

неравномерному развитию регионов и отраслей экономики. Это может создать полярность в обществе и усугубить неравенство доходов.

Можно сказать, что степень, в которой иностранный капитал влияет на уровень жизни в Узбекистане, зависит от того, как правительство подходит к привлечению иностранных инвестиций, а также от того, насколько хорошо страна использует эти инвестиции для развития своей экономики и общества.

Список литературы :

1. United Nations of Uzbekistan (2021). Оценка финансирования развития для Республики Узбекистан. https://uzbekistan.un.org/sites/default/files/2021-01/UZB-%20DFA_ru_final%20%281%29.pdf
2. Asian Development Bank. Отчет об эффективности развития Узбекистан, Партнерство со имя роста. https://www.adb.org/sites/default/files/publication/28290/devt-effectiveness-brief-uzb-ru_0.pdf
3. Юсупова Ш. А. ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И ИНСТРУМЕНТЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В ЭКОНОМИКУ УЗБЕКИСТАНА <file:///Users/macbook/Downloads/teoretiko-metodologicheskie-osnovy-i-instrumenty-privlecheniya-inostranniyh-investitsiy-v-ekonomiku-uzbekistana.pdf>
4. World Economic Forum. (2019). *The future of digital economy and society: Implications for policy making*. Retrieved from <https://www.weforum.org/whitepapers/the-future-of-the-digital-economy-and-society-implications-for-policy-making>

АГРАР СОҲАНИ ИНТЕНСИВ РИВОЖЛАНТИРИШ – АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Кўчқаров Файзулло Абдужабборович
Тошкент молия институти
мустақил изланувчиси

Жаҳон иқтисодиётида аграр соҳа озиқ-овқат, даромад ва бандликнинг асосий манбаи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш суръатлари сезиларли даражада ўсмаган ва озиқ-овқат импортига боғлиқ бўлган давлатлар тараққиётга эриша олмайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилот (UN)нинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) ҳисобкитобларига кўра, «2022 йилда 691 миллиондан 783 миллионгacha одам очлиқдан азият чекди.

Бундан ташқари, озиқ-овқат хавфсизлигига дуч келаётган дунё аҳолисининг улуши сезиларли даражада ошди: 2019 йилдаги 25,3 фоиздан 2022 йилга келиб 29,6 фоизгача» [1]. Бундай ҳолат дунёда тўйиб овқатланмайдиганлар сонининг кўпайиб бораётганлигини ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигига дуч келаётган дунё аҳолиси улушининг сезиларли даражада юқори эканлигини кўрсатади.

Аграр соҳага инвестициялар дунёда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган, кам таъминланган, ночор оилаларнинг аксарияти яшайдиган қишлоқ жойларида камбағалликни камайтиришнинг муҳим ва самарали стратегиясидир. Чунки, инвестициялар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини ва ҳосилдорликни оширади, бозорларни мақбул нархларда озиқ-овқат ва истеъмол товарлари билан таъминлайди, қишлоқ ва шаҳар истеъмолчилари учун озиқ-овқат маҳсулотларини янада арzonлаштиради.

Аграр сектор миллий иқтисодиёт тараққиётида ҳам муҳим рол ўйнайди ва унинг ривожланишига катта ҳисса қўшади ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қиласди:

– биринчидан, аграр соҳа, шубҳасиз, мmlакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайди. Аграр соҳанинг ривожланиши туфайли давлат аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат билан таъминлаши мумкин, бу эса фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлашнинг асосий шартидир. Бир вақтнинг ўзида озиқ-овқат хавфсизлигининг мавжудлиги ижтимоий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишга ёрдамлашади;

– иккинчидан, аграр соҳа қишлоқ аҳолиси учун муҳим даромад манбай ҳамдир. Аграр соҳадаги бандлик миллионлаб қишлоқ одамларини иш ва муносиб турмуш даражаси билан таъминлайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш учун тўловларнинг мавжудлиги, шунингдек, ўз ер участкасидан фойдаланиш ва ўз еҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш қобилияти қишлоқ аҳолисига барқарор даромад олиш ва уларнинг мавжудлигини таъминлаш имконини беради;

– учинчидан, аграр соҳа иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қиласди. У озиқ-овқат саноати, ўғитлар ва дори-дармонлар ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё билан таъминлайди, шунингдек тўқимачилик ва кимё саноати учун муҳим хом ашё манбай ҳисобланади. Аграр соҳанинг тараққиёти саноатнинг ривожланишига ҳисса қўшади ва ўз навбатида янги иш ўринлари яратилишига, маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспортнинг кўпайишига олиб келади.

Статистик маълумотларга кўра, 2023 йил 1 январь ҳолатига «қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) сони – 53808 тани, шундан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматларда – 49859 тани, ўрмон хўжалигида – 268 тани ҳамда балиқчилик хўжалигида – 3681 тани ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони – 7307 тага, шундан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматларда – 6931 тага, ўрмон хўжалигида – 46 тага ҳамда балиқчилик хўжалигида – 330 тага кўпайган» [2]. 2022 йилда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 347,6 трлн.


сўмни ёки 2021 йилга нисбатан 14,5 фоизга ўсган. Умуман олганда, 2018-2022 йилларда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 1,8 баробарга ошган ёки 2022 йилда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 2018 йилга нисбатан 160,2 трлн. сўмга кўпайган.

Албатта бундай тенденция аграр соҳанинг йилдан-йилга тараққий этиб бораётганлигини кўрсатади ва маълум маънода аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолатдир. Аммо, 2016-2022 йилларда аграр соҳада, хусусан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига бандлар сони пасайиш тенденциясига эга бўлган.

2022 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига бандлар сони 3438,7 минг нафарни ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 208 мингтага камдир. Бундай ҳолат, биринчидан, мамлакатимизда норасмий секторда банд бўлганлар салмоғининг юқорилиги билан изоҳланади. «2022 йил 1 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистонда жами банд аҳолининг 41,3 фоизи норасмий секторда фаолият кўрсатган».

Иккинчидан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига ўртacha ойлик иш ҳақи миқдори 2016-2022 йилларда барқарор ўсиш суръатларига эга (3,2 баробарга) бўлса-да, иқтисодиётнинг бошқа секторларига нисбатан анча пастлигича қолмоқда (1-расм). Масалан, «Ўзбекистонда январь-июнь ойларида ўртacha ойлик иш ҳақи 4,3 млн сўмни ташкил этган. Энг кўп ойлик оловчилар – банк, молия ва суғурта соҳаси ходимлари. Уларнинг ўртacha маоши 12,4 млн сўмни ташкил қилган» [3].

Шу нуқтаи назардан, аграр соҳада бир вақтнинг ўзида, биринчидан, норасмий бандликни камайтириш, иккинчидан, ушбу соҳада қишлоқ аҳолисининг реал даромадларини ошириш зарур бўлади.



1-расм. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига бандлар сони ва ўртacha ойлик иш ҳақи [4]

Бунинг учун, биринчи навбатда, пахта ва ғалладан бўшаган ер майдонларини тадбиркор, ташаббускор, дехқончилик тажрибасига эга бўлганларга бериш зарур ва бу масала маҳаллий ҳокимликлар ва шунга маъсул шахслар томонидан жиддий назорат қилиниши керак.

Иккинчидан, аграр соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва шу орқали интенсив ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналар ташкил қилиш зарур. Бунда ташкил этилаётган қўшма корхона устав фондининг (устав капиталининг) амалдаги миқдорини (камида ўн беш фоиз) янада камайтириш мақсадга мувофиқдир.

Шу орқали аграр соҳада қўшма корхоналар сонини кўпайтириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг реал даромадларини ошириш ҳисобига аҳоли фаровонлигини таъминлаш имкония яратилади.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигининг миллий иқтисодиётга қўшган ҳиссаси, шубҳасиз, катта ва бебаҳодир. Бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун асос, қишлоқ аҳолисининг даромад манбай ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун асосдир. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги соҳаси барқарор ривожланиши ва умуман мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш учун давлат томонидан муносиб эътибор берилиши ва молиявий қўллаб-қувватланиши зарур.

Адабиётлар рўйхати :

1. FAO. 2023. *Outcomes of the United Nations Food Systems Summit in Europe and Central Asia* - A stocktake. Budapest.
<https://doi.org/10.4060/cc5319en>. The Food and Agriculture Organization of the United Nations. Отчет Продовольственной и сельскохозяйственной организации Объединенных Наций за 2022 год.
2. *Qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligi (1).pdf*.
3. 2,9 млн сўмдан 12,4 млн сўмгacha – ўзбекистонликларнинг ўртacha ойлик иш ҳақи эълон қилинди (kip.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОГЛИҚ СУФУРТА РИСКЛАРИ

Муятдинов Махмуд Жалелович
Қорақалпоқ давлат университети
мустақил изланувчиси

Тадбиркорлик рискларини (таваккалчиликларни) таснифлашнинг мураккаблиги уларнинг турли-туманлигига. Рискларнинг турли-туманлиги ва уларнинг корхона фаолиятига бевосита ва билvosita таъсир қўрсатиши, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва таркибини чуқурроқ таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқаради. Рискларнинг шундай турлари борки, улар тадбиркорликнинг барча соҳаларига ўз таъсирини қўрсатади. Аммо рискларнинг бошқа турлари ҳам мавжуд бўлиб, улар